



**doi** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a50](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a50)

## МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ ШАКЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

**Қодиров Абдурашид Маджитович -**  
и.ф.д., профессор, ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон  
иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари" ИТМининг  
сектор мудири

**Аннотация.** Мақолада мамлакатда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар жараёнида иқтисодиётни марказдан бошқариши номарказлаштириш тизимига босқичма-босқич ўтказиш, ҳудудларда мақсадли дастурларни амалга ошириш, маҳаллий бошқарув органлари ҳукуқларини кенгайтириш, уларнинг мақом ва масъулиятини ошириш масалалари қўриб чиқилган.

**Калим сўзлар:** минтақа, стратегия, номарказлаштириш, интеграция, рақобатбардошлиқ, маъмурий ислоҳотлар.

### ПРОБЛЕМЫ ФОРМОРИВАНИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ

**Кадыров Абдурашид Маджитович -**  
д.э.н, профессор, зав.сектором НИЦ  
“Научные основы и проблемы развития  
экономики Узбекистана при ТГЭУ”

**Аннотация.** В статье рассмотрены проблемы децентрализации управления региональным развитием, вопросы реализации целевых территориальных программ, расширение прав местных органов власти, а также повышение их ответственности и статуса в принятии управленческих решений в условиях радикальных экономических реформ.

**Ключевые слова:** регион, стратегия, децентрализация, интеграция, конкурентоспособность, административные реформы.

### PROBLEMS OF THE FORMATION OF REGIONAL ECONOMIC POLICY

**Kadirov Abdurashid Majitovich -**  
Doctor of Economics, professor, Head of the sector  
of Research center «Scientific bases and issues of  
development of Uzbekistan economy» under the TSUE

**Annotation.** The article deals with the problems of decentralization of management of regional development, the implementation of targeted territorial programs, the expansion of the rights of local authorities, as well as increasing their responsibility and status in making managerial decisions in the context of radical economic reforms.

**Key words:** region, strategy, decentralization, integration, competitiveness, administrative reforms.

**Кириш.** Янги Ўзбекистон стратегияси доирасида мамлакатимизда бошқарув тизими ни номарказлаштириш сиёсатини амалга ошириш асосида ҳудудлар барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда маҳаллий давлат бошқаруви органларининг роли ва масъулияти ортиб бормоқда[1].

Сўнгги пайтларда минтақаларни таҳлил қилишда тизимли ёндашувдан фойдаланиш фаоллашди, бу, биринчи навбатда, ижтимоий-иқтисодий ва экологик тизимлар сифатида ўрганишда намоён бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг минтақавий сиёсати узоқ вақт давомида, асосан, ишлаб чиқарувчи кучларни тақсимлаш жараёнларига давлат таъсири сиёсати бўлиб келганлиги тасодиф эмас. Фаол минтақавий сиёсатни олиб борадиган ушбу давлатлар ривожланмаган ҳудудларни ривожлантириш,

депрессия қилинган саноат майдонларини қайта қуриш, агломерацияларни номарказлаштириш ва саноат ишлаб чиқариш концентрацияси устидаги майдонлар, кластерларни шакллантириш ва шу кабилар билан ажралиб туради[3].

Тўғри танланган стратегия куч ва маблағларни иқтисодий ривожланиш салоҳиятини рўёбга чиқаришга ва шу билан бозор шароитида ҳудудларнинг самарали ривожланишини таъминлашга имкон беради. Стратегияни ишлаб чиқишида янги иқтисодий шароитларда ҳудудларнинг ўрни, роли ва вазифалари аниқланади, ўзгарувчан иқтисодиёт шароитида минтақани ривожлантиришнинг стратегик устуворликлари белгиланади, стратегияни янги институционал шароитда амалга оширишнинг иқтисодий, молиявий ва ташкилий механизмлари асосланади. Албатта, муайян минтақанинг ривожланиш

стратегияси мамлакатнинг ривожланиш стратегиясига мос келиши ва у билан яхлит бўлиши керак.

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда қуйидаги муаммолар мавжуд: ҳудудларнинг иктисодий салоҳиятидан етарли даржада фойдаланилмаяпти, республика дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда минтақавий ўзига хосли етарлича ҳисобга олинмаяпти; минтақалар иктисодиётida аграр секторнинг улуши сақланиб қолаяпти; ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда сезиларли номутаносибликлар мавжуд; маҳаллий бюджетларни шакллантириш учун молиявий базанинг етарли эмаслиги; ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш ўртасидаги номутаносибликлар; минтақалараро иктисодий интеграция яхши ривожланмаганлиги; минтақавий менежментнинг суст даражаси (иктисодий қарорларнинг юқори марказлаштирилганлиги), соҳавий ёндашув ва идоравий манфаатларнинг устунлиги.

Шу боис ҳудудий ривожланишни тартибга солишининг самарали механизмларини шакллантириш ва такомиллаштириш ҳамда маҳаллий ҳокимлик органлари фаолияти натижадорлигини ошириш республиканинг тараққиёт стратегиясида муҳим йўналиш сифатида белгиланган.

**Адабиётлар таҳлили.** Илмий адабиётларни ўрганиш натижалари минтақавий иктисодиётнинг энг кенг тарқалган назарияларини қуйидаги гурухларга ажратиш имконини берди:

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва минтақавий иктисодиётнинг ривожланиш сабабларини тушунтирувчи жойлашув назарияси (Й.Тюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, А.Лёш ва бошқалар) [2];

- иктисодий ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган минтақаларни молиявий қўллаб-куватлаш орқали уларни мутаносиб ва барқарор ривожлантиришда қуи бўғинда бошқарув сифати ва ҳудудий органлар ролини ошириш масалалари илгари сурилган (И.Бэгт, Р.Холл ва бошқалар) [3];

- “ўсиш нуқталари”нинг институционал ва иктисодий-географик моделларини синтез қилишга асосланган иктисодий ўсиш назарияси (Г. Мюрдалъ, Ф. Перру, М. Прижогода ва бошқалар) [4];

- минтақавий ўсишда инсон капиталининг устувор роли ва унга жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш назарияси (Г.Бэккер, В.Шульц ва бошқалар) [5];

- ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг кластер шаклларига асосланган иктиносидий ўсишнинг минтақавий назарияси (М.Порттер, М.Энрайт ва бошқалар) [6].

Ўзбекистонда минтақавий фан вакиллари ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг турли муаммолари устида ишлаганлар. Жумладан: А.Абдусалямов – минтақавий иктиносидий сиёсатни шакллантириш, А.Солиев – иктиносидий география ва ҳудудий ривожланишнинг кутбланиши, А.Атамирзаев, С.Зокиров – аҳолишунослик ва урбанизация масалалари, Т.Аҳмедов – республика ҳудудларини комплекс ва мутаносиб ривожлантириш, Ш.Имомов – ҳудудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари, Ш.Назаров – ҳудудлар рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари, А.Содиков – минтақавий ривожланиш назарияси ва бошқалар [7,8,9,10].

Уларнинг илмий тадқиқот натижалари минтақавий иктиносидиёт фанининг методологик асосларини бойитиш, ҳудудий сиёсат тамойилларини асослаб бериш, ҳудудлар ривожланишини тартибга солишининг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқишини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди.

Шу билан биргаликда, минтақанинг стратегиясини шакллантириш унинг мамлакат ва дунёдаги ўрни тўғрисида, унинг ривожланишини белгиловчи фаолият ва ҳаракатлар мақсадлари тўғрисида саволга жавоб бериш, ривожланишдаги асосий мақсадли кўрсаткичларни сақлаган ҳолда вазият ўзгаришига жавоб берга олиши керақдир.

**Тадқиқот методологияси.** Сўнгги пайтларда минтақаларни таҳлил қилишда тизимли ёндашувдан фойдаланиш фаоллашди, бу, биринчи навбатда, ижтимоий-иктиносидий ва экологик тизимлар сифатида ўрганишда намоён бўлади.Faol минтақавий сиёсатни олиб борадиган хориж давлатлари етарли даражада ривожланмаган ҳудудларнинг ишлаб чиқариш кучларини таркибий қайта қуриш, депрессив ҳудудларга нисбатан маҳсус сиёсат олиб бориш, агломерацияларни номарказлаштириш ва ўсиш омилларини аниқлашда кластер ёндашувларидан фойдаланмоқда.

Мақолада, шу билан биргаликда, тизимли ва стратегик таҳлил, илмий абстракция, индукция ва дедукция, иктиносидий-статистик умумлаштириш, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш усуулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон амалиётидан ҳудудларни ривожлантиришнинг уч хил эҳтимолий варианти маълум бўлиб, улар шундан иборат: илғор ҳудудларни ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш зарур, қолганлар эса бу ҳудудлар ҳисобига мавжуд бўлиши мумкин (АҚШ); барча ҳудудларда тахминан бир хил турмуш шароитларини қўллаб-куватлаш, уларда солиққа тортиш, бандлик ва турмуш даражасини тартибга солиш лозим (Германия); энг кам-

бағал худудларни қўллаб-қувватлаш лозим, илғорлар эса мустақил ривожлана олади (Скандинавия мамлакатлари) [12].

Бозор иқтисодиёти юқори даражада ривожланган давлатларда корхоналар даражасида ҳам, минтақалар миқёсида ҳам катта тажриба тўпланган. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий, ижтимоий ва тарихий шароитлар ривожланиш борасида бошқа мамлакатлардан фарқ қиласди. Ўзбекистонда ҳозирги шароитларда Буюк Британия, Германия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг минтақавий сиёсат борасидаги тажрибаларини мослаштириш маълум бир даражада фойда келтирган бўларди. Буюк Британияда ижтимоий-иктисодий кескинлик анъанавий тармоқлар – кўмир қазиб чиқариш, пўлат ишлаб чиқариш ва тўқимачилик марказлашган саноат

агломерацияларида энг қучли намоён бўлган. Энг турғунлик (депрессив) ҳолатидаги минтақа Марказий Шотландия бўлган. Германияда кўмир қазиб чиқариш ва металургияга ихтисослашган Рур энг турғунлик ҳолатидаги минтақа бўлган. АҚШда бундай минтақалар қаторига ишсизлик даражаси юқори ва даромад даражаси паст бўлган худудлар киради. Бунга классик мисол – Аппалач минтақаси. Италияда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган жанубий минтақалар ажратиб кўрсатилади. Ҳар бир мамлакатда минтақаларни инқизороли ҳолатдан олиб чиқиш бўйича индивидуал ёндашув қўлланади.

1-жадвалда минтақалар ҳолатини яхшилаш учун алоҳида олинган мамлакатлар миқёсида амалга ошириладиган стратегияларнинг асосий чора-тадбирлари келтирилган.

## 1 жадвал

### Хорижий мамлакатларда минтақаларни бошқариш бўйича асосий чора-тадбирлар

№	Мамлакат	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар
1.	Буюк Британия	<ul style="list-style-type: none"> <li>- турғунлик ҳолатидаги минтақаларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва унинг ўсишини рағбатлантирадиган молиявий чора-тадбирлар (капитал кўйилмаларга кафолатлар, заёмлар, солиқ имтиёзлари, бандлик учун минтақавий мукофотлар ва ҳ.к.);</li> <li>- давлатнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, биринчи навбатда, транспорт ва турар-жойни ривожлантириш бўйича бевосита инвестицион фаолияти;</li> <li>- саноат тадбиркорлигига рухсат беришни кўзда тутадиган саноат курилиши устидан “негатив назорат” чоралари</li> </ul>
2.	Германия	<ul style="list-style-type: none"> <li>- солиқ имтиёзлари ва маҳсус мукофотлар кўринишида минтақа инфратузилмаси ва бандликни ривожлантиришга хизмат қиласидиган илғор тармоқларда (электроника, юқори технологияли машинасозлик, ахборот тизимлари, хизматлар соҳаси ва ҳ.к.) фаолият кўрсатадиган янги фирмаларни қўллаб-қувватлаш;</li> <li>- анъанавий тармоқларга (металургия мажмуи) ва сарфланадиган давлат инвестициялари ва хусусий инновацион капитал;</li> <li>- вужудга келган муаммоларни ўз кучлари билан ҳал эта олмайдиган минтақаларга қўшимча ёрдам кўрсатилади;</li> <li>- барча ерларни қайта тузилмалаш ва ривожлантириш учун умумий схема таъминланади;</li> <li>- ерлар ўртасида рақобатни истисно қиласидиган ёрдам кўрсатиш тизимлари яратилади</li> </ul>
3.	Америка Кўшма Штатлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- иқтисодиётда тугалланган ишлаб чиқариш даврларини рағбатлантириш, энг четки ишлаб чиқариш ва етказиб қайта ишлашни тайёр маҳсулотнинг максимал даражасига етказиш. Бошқача қилиб айтганда, совет олимлари томонидан ишлаб чиқилган энерго-ишлаб чиқариш даврлари конструкциясидан фойдаланилди;</li> <li>- минтақанинг потенциал бозори ва жойлашувидан келиб чиқсан ҳолда фойда олишга қодир бўлган янги тармоқларни минтақага жалб қилиш;</li> <li>- рекреацион ресурсларни ривожлантириш;</li> <li>- қишлоқ хўжалигини, жумладан, шаҳар яқинидаги қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш;</li> <li>- ҳар бир алоҳида олинган минтақада бандлик ва даромадлилар даражасини кенгайтириш, унинг саноат салоҳиятидан фойдаланиш</li> </ul>
4.	Италия	<ul style="list-style-type: none"> <li>- таркибли жиҳатдан заиф минтақаларда негатив омиллар таъсирини минималлаштириш ҳамда уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида фаол иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун шароитлар яратиш;</li> <li>- қулаги “бизнес-муҳит” яратиш ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;</li> <li>- узоқ муддатли ва рақобатбардош иш жойлари яратиш, меҳнат бозорида вазиятни барқарорлаштириш</li> </ul>
5.	Франция	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳар бир минтақа учун молиявий ажратмалар зарур миқдори, таъсирини баҳолаш ва мониторинг амалга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар;</li> <li>- ходимларни қайта ўқитиши, тадқиқотчилик ишлари ўтказиш, минтақалар фаровонлигини оширишга йўналтирилган ОТМ ва бошқа давлат тузилмаларини молиялаштириш;</li> <li>- грантлар ва маслаҳатлар тақдим этиш йўли билан кичик корхоналар учун бизнес-муҳитни яхшилашга қаратилган иқтисодий ривожланиш ва бандликни ошириш бўйича чора-тадбирлар</li> </ul>

**Манба:** илмий адабиётларни умумлаштириш асосида муаллиф томонидан тузилган.

Умуман олганда, турғунлик ҳолатидаги ҳудудларда ўтказиладиган чора-тадбирлар кўп-лаб мамлакатларда деярли бир хил тарзда кечади. Минтақаларда бандликни ошириш, бизнес ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш асосий аҳамиятга эга. Бироқ айрим мамлакатлар бир вақтнинг ўзида барча минтақаларни соғломлаштириш бўйича комплексли чора-тадбирларни амалга оширади, айримлари эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаол иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун иқтисодий жиҳатдан қолоқ минтақаларга кўпроқ эътибор қаратади.

Шундай қилиб, минтақавий сиёsat ҳудудларнинг ички ижтимоий-иқтисодий тузилмасининг ўзгаришини билдиради. Минтақавий прогнозлаш, одатда, минтақавий дастурлаш билан уйғулаштирилади, бу минтақавий фарқлар ва ижтимоий қарама-қаршиликларни камайтириш ва юмшатиш мақсадида давлатнинг аралашуви шаклларидан биридир. Гап бу ерда алоҳида туманларнинг маҳсус ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳақида кетади (режали иқтисодиёт белгилари бўлган мамлакатларда – кўпинча миллий режалар асосида: беш, етти йиллик ва ҳоказо). Реал моделлаштириш деганда, минтақанинг мавжуд ёки истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий тузилмасини оптималлаштириш мақсадидаги эконометрик (иқтисодий-математик) услублар тушунилади. Ниҳоят, минтақалаштириш (ёки районлаштириш) минтақалар (туманлар)ни таксонизация жараёнидир.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳозирги кунда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий секторни ривожлантириш устуворлиги, кичик тадбиркорлик ва фермер хўжаликларига эътиборни кучайтириш, банк-молия тизимини такомиллаштириш, янги солиқ тизимини яратиш ва шу кабиларга қаратилган.

Бу стратегия, ўз навбатида, минтақа доирасида ишлаб чиқилгандагина кўзда тутилган муайян мақсадларга эришиш мумкин. Минтақаларни мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш заруратини қўйидагилар тақозо этади: аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш; жаҳон тажрибаси ва амалиётiga кўра минтақалардаги хомашё базаси ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўлларини белгилаш; йирик инвестицион лойиҳаларни асослаш, амалга ошириш ва уларни минтақага жалб этиш; минтақа иқтисодий таркибини такомиллаштириш ва самарали шакллантириш масалаларини ҳал қилиш; ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлашти-

риш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этиш.

Шундай қилиб, мамлакат доирасида ишлаб чиқилган минтақаларни мажмуали ривожлантириш ягона стратегияси ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий-иқтисодий салоҳиятига тўғри келувчи стратегиясига асосланган бўлиши даркор. Стратегиянинг мақсади минтақанинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида унинг барқарор иқтисодий ўсиши ва аҳоли турмуш даражасининг юксалишига эришишдир. Марказ ва минтақалар ўзаро алоқаларини такомиллаштиришнинг ижобий самара-сига фақат уларнинг биргаликда фаолият олиб бориш асосида эришиш мумкин. Демак, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда минтақа хусусиятларига мос сиёsat ва ёндашувлардан фойдаланиш, айниқса, мажмуали ижтимоий-иқтисодий стратегик ривожлантириши таъминлаш катта аҳамият касб этади.

Минтақавий ривожланиш стратегияси минтақани бошқаришнинг устувор функцияси бўлиб, у прогнозлаш-таҳлил қилиш фаолиятидан иборат, бунинг натижаси эса минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари, дастурлари ва прогнозларидир. А.Г.Гранбергнинг фикрича, минтақаларни ривожлантириш прогнозлари минтақавий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча қирраларини қамраб олиши керак [13].

Уларни ишлаб чиқишида турли хил ҳужжатлардан фойдаланилади, масалан, аҳоли фаровонлигини ошириш стратегияси, ижтимоий инфратузилмани, фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва ҳоказолар. Аммо минтақавий прогнозлаш соҳасидаги ҳолатнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, минтақани стратегик бошқаришни илмий жиҳатдан таъминлаш муаммоларини ўрганишга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Бу мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг камлигига кўзга ташланади. Т.Ахмедовнинг таъкидлашича: “минтақавий ривожланишни таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг методологик базаси йўқ. Стратегик вазифаларнинг бажарилиши (вазият ва тенденцияларни таҳлил қилиш, минтақавий ривожланиш стратегияси ва прогнозларини ишлаб чиқиш, индикатив кўрсаткичлар мониторингини ўтказиш ва ҳоказолар) унификацияланган зарур услубий база билан мустаҳкамланмаган”[7].

Минтақани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва вазифаларини қўйишидаги бошланғич ҳужжат концепциядир. Умумлаштирилган ҳолда унда минтақа, унинг алоҳида таркибий-функционал қисмлари ва муаммоли ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўлами, суръатлари, нисбатлари ва асосий

йўналишлари белгиланади, шунингдек, ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизими умумий асосланади, ҳудудий ва тармоқлараро номутаносибликларни бартараф этиш усуллари берилади, аҳоли турмуш даражасини ошириш асослаб берилади.

Концепция асосида тармоқли ва ҳудудий

дастурлар, мақсадли комплекс хужжатлар ишлаб чиқилади, уларда батафсил ва аниқ асосланган жиҳатлар, шунингдек, муаммоли масалаларнинг мувофиқлаштириши концепция дараҷасига кўтарилади. Концепция шакли тўртта блок ва учта тенг даражали жиҳатлардан иборат (1-расм).



### 1-расм. Монтакавий прогнозлаш стратегияси концепцияси тузилмаси

**Манба:** илмий адабиётларни умумлаштириш асосида муаллиф томонидан тузилган.


Стратегияни тўғри танлаш ресурсларнинг иқтисодий rivoyzlanterish салоҳиятини рўёбга чиқариш ва шу билан бозор шароитида монтакаларнинг самарали rivoyzlanterishini таъминлашга имкон беради. Стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш контекстида ҳудудларнинг ўрни, роли ва функциялари белгиланади, ўзгарувчан иқтисодиёт шароитида монтакани rivoyzlanterishning стратегик устувор йўналишлари белгиланади, стратегияни янги институционал шароитда амалга оширишнинг иқтисодий, молиявий ва ташкилий механизмлари асосланади.

Ҳозирги даврдаги дунё муаммоларига муносиб жавоб берадиган монтакавий стратегия-

ларни ишлаб чиқишга ёндашувнинг куйидаги хусусиятлари шакллантирилган:

сифат жиҳатидан янги, глобал миёсда rivoyzlanterishning ягона векторига бирлаштирадиган монтакавий стратегияни шакллантериш, унда инновацион, мотивацион, иқтисодий, ташкилий, маъмурий ва бошқа таркибий қисмлар мавжуд;

стратегия қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият вакиллари, йирик корхоналар, банклар, хўжалик бирлашмалари, хусусий сектор, университетлар, илмий тадқиқот институтлари, маҳаллий жамоалар ва нодавлат ташкилотлар раҳбариятининг шериклик маҳсулидир. Стратегияни шакллантериш жараёнининг алгоритми 2-расмда келтирилган.



## 2-расм. Минтақавий стратегияни шакллантириш алгоритми

**Манба:** илмий адабиётларни умумлаштириши асосида муаллиф томонидан тузиленган.

Минтақанинг стратегиясини шакллантириш мамлакат ва дунёдаги ўрни тўғрисида, унинг ривожланишини белгиловчи фаолият ва ҳаракатлар мақсадлари тўғрисида саволга жавоб бериш, ривожланишдаги асосий қиймат ва мақсадли кўрсатмаларни сақлаган ҳолда вазият ўзгаришига жавоб бера олишdir.

Минтақавий ривожланиш стратегиясини “ижтимоий келишув шартномаси”, ҳокимият, бизнес ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро алоқаларни ташкил этиш воситаси сифатида қараш керак. Шунинг учун минтақа стратегиясида минтақа ривожланишининг умумий манфаатларига мувофиқлаштирилган ва бирлаштирилган минтақа аҳолисининг турли гурухлари манфаатлари ҳисобга олиниши керак.

Устувор йўналишлар (“ўсиш омилларини” кўллаб-қувватлаш). Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги босқичи ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги ривожланиш сценарийларини ажратиш мумкин:

- минтақанинг маъмурий чегаралар билан чекланган, иқтисодиётнинг мавжуд тузилишини сақлаб қолган ва етакчи тармоқларни модернизация қиласидиган анъанавий ижтимоий-иктисодий стратегияси, аслида илгари танланган йўналиш бўйича ривожланишининг давоми бор бўлиб, у ҳукмрон тенденциялар томонидан белгилаб қўйилган;

- мавжуд тенденциялар ва тенденцияларнинг маълум ўзгаришига асосланган иқтисодий, ташкилий, маъмурий ва бошқа таркибий қисмларни мотивацион, ижтимоий (шу жумладан, миграция, қишлоқ аҳолисининг ташабbusкорлигини ҳисобга олиш) ривожланишининг сифат жиҳатидан янги векторига бирлаштирадиган инновацион стратегия.

Худудий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишининг асосий механизмлари: иқтисодий ривожланишга кластерли ёндашув; иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиган минтақавий ҳокимият (унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари аниқланган) ва ҳусусий сектор учун мотивация манбаи; самарали маъмурий ресурс (минтақаларда маъмурий ислоҳот, истиқболли ривожланишга йўналтирилган ва ҳ.к.).

Маъаллий бошқарув тизимини такомилаштиришга қаратилган қўйидаги муаммоларга

эътибор қаратилиши керак: стратегияни амалга оширишда маъаллий вакиллик ва ижро этувчи органларнинг ваколатларини чегаралаш (мақсадга йўналтирилган индикаторлар тизимини яратиш, БМТ барқорор ривожланиш мақсадлари билан мувофиқлаштириш ва ҳ.к.); маъаллий бошқарув органларининг иқтисодий жараёнларни билвосита бошқариш усулларини кенг жорий этиш, бу борада маъаллий бошқарув органларининг ваколат ва вазифаларини функционал жиҳатдан қайта кўриб чиқиши, бирбирини тақрорлайдиган ҳамда бозор тамойилларига мос келмайдиган функцияларни чеклаш; дастурий чора ва тадбирларни белгилаш ҳамда бу борадаги ахборот алмашувида маъаллий органлар фаолиятини вазирлик ва маъкамаларда амал қилаётган функционал вазифалар билан мувофиқлаштириш (“йўл харитаси” доирасида маҳсус зоналар, эркин иқтисодий худудлар, мақсадли дастурлар ва ҳ.к.); маъаллий бошқарувда катта ҳажмдаги ахборот оқимини бир тизимга келтириш мақасадида уларни рақамлаштириш ва турларига қараб таснифлаш (ахборот-таҳлил порталини яратиш, баҳолаш рейтингларини жорий қилиш ва ҳ.к.); худудий бошқарув органлари фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиши (давлат хизматлари портали, ахборот тизимлари, катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаш ва ҳ.к.)

Давлат ҳудудий сиёсатининг асосий вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин: худудлар ижтимоий-иктисодий ривожланиши ўртасида катта фарқлар бўлишига йўл қўймаслик; худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тартибга солища уларнинг табиий-иктисодий, ишлаб чиқариш салоҳияти ва объектив имкониятларини эътиборга олган ҳолда дифференциал тарзда ёндашиш; бирмунча қолоқ ва нокулай шароитларга эга худудларни умумдавлат ва ҳудудий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда давлат томонидан кўллаб-қувватлаш; аҳолининг яшаш шароитидан қатъи назар минимал ижтимоий кафолатни таъминлаш; худудларда ҳусусий секторнинг ривожланишига устуворлик берилгани ҳолда институционал ва таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш; атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ҳудудларда фаол экологик сиёsat олиб бориш; ҳудудий ва ҳудудлараро инфратузилма

(транспорт, алоқа ва шу кабилар)нинг ривожланиши; номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда ўзини ўзи бошқариш ҳамда маҳаллий бошқарув органларининг жавобгарлиги ва ролини ошириш; ҳудудларда ижтимоий дастурларни амалга оширишда маҳаллий бюджетлар ва бюджетдан ташқари фондларнинг ролини ошириш.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб, фикримизча, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар замонавий босқичининг натижаси кўп жиҳатдан ҳудудларнинг бозорга хос бўлган янгича хўжалик юритиш шакллари ва бошқариш усулларини англаб олиши ҳамда уларга мослашишига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида, республика бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилаётган иқтисодий ислоҳотларда ҳудудий тафовутлар, бозор муносабатларини ривожлантириш омиллари ва заминларининг қай даражада ҳисобга олинганлиги билан ҳам тавсифланади.

Худуд иқтисодиётининг стратегик ривожланишини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми қуйидаги функцияларни амалга оширишга йўналтирилган бўлиши лозим:

- рақобат муҳитини шакллантириш йўли билан ҳудуддаги ҳар бир хўжалик субъекти ва мулкчилик шаклининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини амалга ошириш учун тенг иқтисодий шароитларни яратиш;

- ўзини ўзи ташкил қилишнинг бозор тизими, хўжаликни юритиш жараёнини бошқариш ва мос ҳолдаги давлатнинг иқтисодий тартибга солиши тизимини шакллантириш ёрдамида таракор ишлаб чиқариш жараёнини тартибга келтириш;

- замонавий инновацион асосда ҳудуд салоҳиятининг таркибий қисмлари ўртасидаги мувозанат ва мутаносибликни таъминлаш;

- таракор ишлаб чиқариш барча субъектларининг малакаси ва ижодий салоҳиятини руёбга чиқариш, маркетинг хизмати, ишлаб чиқариши ташкил этиш шакллари, сифат жиҳатдан янги технологияларни яратишда хўжалик субъектлари учун барқарор рағбатлантиришларни кўллаб-куватлаш;

- ҳар бир хўжалик субъекти иқтисодий ахлоқининг мослиги, шунингдек, бозор қонунларига мос ҳолда барча иқтисодий тизимларнинг ўз-ўзини тартибга солишини таъминлаш.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.
2. Кристаллер В. Beiträge zu einer Geographie des Fremdenverkehrs. In: Erdkunde, Jg. 9, 1955, S. 1-19.
3. Begg I. Innovative Directions for EU Cohesion Policy after 2020. CESifo Forum. 2018. <https://www.cesifo-group.de/DocDL/CESifo-Forum-2018-1-Begg-EU-Cohesion-Policy-march.pdf>.
4. Miroslaw Przygoda. New Trends in the Regional Development. International Journal of Management Science and Business Administration Volume 1, Issue 11, October 2015, Pages 47-54.
5. Becker, Gary. Investment in Human Capital: A Theoretical Analysis. // Journal of Political Economy, 1962. Vol. 70(5, Part 2, Supplement), pp. 9-49.
6. Портнер М. Конкуренция. Пер. с англ. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2003. – 608 с.
7. Абдусалямов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ. – Т., 2015 г.
8. Ахмедов Т.М., Хасанджанов К.А., Хакимов Н.Х. Региональная экономика. Учебное пособие. – М.: изд. РЭА им. Г.В.Плеханова. 2006. – 231 с.
9. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. – Т.: IFMR, 2014. – 212 с.
10. Садыков А.М. Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация. Монография. – Т., 2019. – 536 с.
11. Зокиров С.С. Инструменты государственного регулирования комплексного развития регионов Узбекистана. Материалы VI Форума экономистов. Т. II. – Т.: IFMR, 2015. С. 94-101.
12. Armstrong H., Taylor J. Regional Economics and Policy. 1993. Part II, European Regional Incentives. 1997-1998 Edition. Bowker Saur, 1997.
13. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. Учебник для вузов. 4-е изд. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2004. – 495 с.